

# **Мавзу: Қўшилган қиймат солиғи. Акциз солиғи**

# Р е ж а

Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва солиқ тизимида унинг жорий қилиниши.

Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.

Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ ставкалари.

Акциз солиғи тўловчилари ва солиқ солиш объекти.  
Солиқ имтиёзлари.

Солиқ солинадиган база унга тузатиш киритиш.

Акциз солиғини ҳисоблаш тартиби.

Акциз солиғидан чегирма.

Ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.

# Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги 4086-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 5837-сонли Фармони

Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: 2009. 56-65 бетлар.

Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: 2009. 124-151 бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. –Т.: 2008. VII-бўлим, Қўшилган қиймат солиғи, 35-41 боблар

Ergasheva Sh.T., Xodjimuhamedova Sh.I., Ismaylova S.S. Soliqlar va soliqqa tortish. – Т.: 2010. 112 бет.

***Кўшилган  
қиймат  
солиғи***

Ҳар бир ишлаб  
чиқариш босқичида  
ва реализация  
жараёнида  
ундириладиган  
кўп қиррали  
билвосита  
солиқдир.

**ҚҚС  
ўзининг  
иқтисодий  
моҳиятига  
кўра**

сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимооти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида кўшилган қиймат яратилади.

Ўзбекистон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи *1992 йилдан* буён амал қилмоқда. Ушбу солиқ оборотдан олинадиган солиқ ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига акциз солиғи билан биргаликда киритилган. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи эса бир мартаба умумий оборотдан олинар эди. Қўшилган қиймат солиғи эса ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ҳар бир босқичидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпти. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи салкам *30 фоизни*, эгри солиқлар таркибида эса *60 фоизни* ташкил этиши прогнозлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларининг асосий манбаи эканлигини билдиради.

## *Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.*

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX асрнинг бошларида юзага келди. Бу таклифни биринчи марта Германия бюджет амалиётида жорий этишни **1919 йилда Вилгелм фон Сименс илгари сурди.**

Қўшилган қиймат солиғини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб чиқилди. Аммо қўшилган қиймат солиғи М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилди. **Францияда қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда 1968 йилдан бошлаб жорий этилди.**

XX асрнинг 70-йилларида қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларининг солиқ амалиётида жорий қилинди. Бунинг асосий сабаби ва ҳуқуқий асоси бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда **қўшилган қиймат солиғини ундиришни тартибга солишнинг ҳуқуқий меъёрларини умумлаштириш тўғрисидаги махсус Директиванинг қабул қилиниши ҳисобланади. Мазкур Директива 1977 йилда қабул қилинди** ва унда эгри солиқларнинг асосий тури сифатида қўшилган қиймат солиғи эътироф этилди.

*Иқтисодий  
адабиётларда,  
кўпчилик  
ҳолларда,  
Қўшилган  
қиймат  
солигини  
«Европача»  
солиқ деб  
ҳам аташади.  
Бунинг асосий  
сабаблари  
шундаки:*

**биринчидан**, қўшилган қиймат солиғи дунёда биринчи марта Европа давлати бўлган Францияда жорий этилди;  
**иккинчидан**, 1977 йилда қабул қилинган Директивага асосан қўшилган қиймат солиғи бир вақтнинг ўзида Европанинг бир неча давлатларида жорий этилди;  
**учинчидан**, қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнади.



Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир.

Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади.

*Жами солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларнинг солмағи 50 фоиз бўлган мамлакатлар гуруҳига*

*Мексика*

*Туркия*

*Корея*

*Жами солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларнинг солмағи 25-30 фоизни ташкил этган мамлакатлар гуруҳига*

*АҚШ*

*Япония*

*Канада*

*Австралия*

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларни юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларини умумлаштирилганлиги ва солиққа тортиш базасини ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади.

Бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси учун амалий аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимиз товароборотининг сезиларли қисми *Россия Федерацияси* ва *Қозоғистон Республикаларига* тўғри келади. Ҳозирга қадар мазкур мамлакатлар ўртасида кўшилган қиймат солиғи ставкаларини умумлаштириш ва солиққа тортиш базасини уйғунлаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Бу эса, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

**Қўшилган қиймат  
солиғининг  
тўловчилари бўлиб**

**Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан  
Ушбу солиқни бюджет олдида  
ҳисоб-китобини амалга оширувчи  
тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи  
юридик шахслар тушунилади.**

## **Жумладан**

**солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;**

**Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга  
оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат  
солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;**

**товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик  
ва жисмоний шахслар (ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш  
нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар  
бундан мустасно);**

**оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда  
зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс)  
оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).**

Солиқ кодексининг 198-моддасига кўра **ҚҚСнинг объекти бўлиб,**

товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти ҳамда товарларнинг импорти ҳисобланади.

*Товарларни (иш ва хизматларни) реализация қилиш обороти деганда* – юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) қиймати тушунилади, яъни юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) учун маблағи келиб тушиши давридан қатъий назар корхона қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет олдида ҳисоб-китобларни амалга ошириши шарт.

*Солиқ солинадиган импорт деганда эса* – Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар ҳисобланади (қўшилган қиймат солиғидан озод этилган импорт товарлардан ташқари).

## Солиқ ставкалари

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси *1992 йилда 30 фоизни* ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. *Жумладан,*

*1996 йилда 17 фоизни*

*1997 йилда 18 фоизни*

**1999** йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (*20%, 15%, ва 0%*) амалда қўлланилди. Фақат 3 та банд, яъни экспорт, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва унга тенглаштирилган ваколотхоналарга реализация қилинадиган товар (иш ва хизмат)лар “0” ставкаси бўйича солиққа тортилди. *15% ли* қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда импорт қилинадиган тирик мол ва бугдой каби маҳсулотларга нисбатан белгиланди.

**2000-2019** йилга қадар солиқ Кодексига кўра республикада 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинди.

*“0” ставка деганда корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг (бажарилган иш, хизматларнинг) қийматига қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, яъни “нол” га тенг дегани.*

**Қуйидагиларга “0” даражали ставка бўйича солиқ солинади:**

Сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга;

Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган транзит юкларини ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга, жумладан йўловчилар, багажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш.

Товарларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, шу жумладан, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларига етказиб берилишига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товар (иш ва хизмат)ларга.

# Солиқ имтиёзлари

Қўшилган қиймат солиғидан бошқа солиқ турларига нисбатан кўпроқ имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, улар солиқ кодексида тўрт гуруҳга бўлиб берилган. Улар:

1) солиқдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти (208-модда);

2) солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар (209-модда);

3) солиқдан озод этиладиган суғурта хизматлари (210-модда);

4) солиқдан озод этиладиган импорт.

# *Акциз солиғи*

1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.



**Акциз  
солигини  
тўлов-  
чилари  
бўлиб:**

Мулк шаклидан ва солиққа тортишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар акцизости товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи *юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.*

Бундан ташқари, оддий ширкат акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда оддий ширкат шартномасининг оддий *ширкат ишларини юритиши зиммасига юклатилган шериги акциз солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланади.*

## *Акциз солигини ҳисоблаш тартиби*

Алкоғолли маҳсулотлар бўйича маҳсулот бирлигига (1 литр) акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_c = (M \times A) / 100\%$$

бунда:

$A_c$  - акциз солиғи суммаси;

$M$  - тайёр алкоғолли маҳсулотнинг қуввати (%) (спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар);

$A$  - акциз солиғининг қатъий ставкаси, маҳсулот бирлигига сўмда.

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_c = (O \times A) / 100$$

бунда:

$A_c$  - акциз солиғи суммаси;

$O$  - ўз ичига акциз солиғини олган шартномавий (эркин) нарх, ҚҚСсиз;

$A$  - акциз солиғи ставкаси.

## Қуйидаги акцизоти товарларга акциз солиғи солинмайди

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва беғараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланадиган товарларни давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

***Акцизланадиган  
товарлар учун  
солиқ солиш  
базаси бўлиб  
қуйидагилар  
ҳисобланади:***

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли ароқ маҳсулотлари, филтрли ва филтрсиз сигареталар, нефт маҳсулотлари (бензин, дизел ёқилғиси ва авиакеросин) бўйича – сотилган маҳсулотнинг натурал кўринишидаги ҳажми;

- акциз солиғи тўланадиган бошқа маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, кумушдан қилинган ошхона буюмлари, табиий газ, суюлтирилган газ, “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамияти автомобиллари) бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳисобга олмаган ҳолда, шартномавий нархлар бўйича юклаб жўнатилган товарнинг қийматига фоиз ҳисобида.

# Акциз солиғидан чегирма

Солиқ Кодексининг 236-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг суммаси Солиқ Кодексининг 237-моддасида белгиланган чегирма суммасига камайтиради.

Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

**Божхона юк декларациясини тўлдириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

Тўланадиган акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш божхона юк декларацияси ва унга доир қўшимча варақларда қуйидаги чизма бўйича амалга оширилади.

**47-**“Тури” устунининг биринчи кичик устунда “олиб кириладиган товарларга акциз” тўловининг шифри - **27** кўрсатилади.

“Ҳисоблаб чиқариш асоси” устунининг иккинчи кичик устунига киритилади:

- солиқ солинадиган оборот бўлган, акциз солиғи суммасини аниқлаш формуллари бўйича ҳисобланган қиймат. Агар маҳсулотга АҚШ долларларида акциз солиғи белгиланган бўлса, мазкур устунга чизиқ чизиб қўйилади.

- **“Ставка”** устунининг учинчи кичик устунда акциз солиғининг ставкаси кўрсатилади. **“Сумма”** устунининг тўртинчи кичик устунда тўланадиган акциз солиғи суммаси кўрсатилади.

**“ТУ”**- устун кичик устунда тўлов усулининг икки белгили ҳарфий коди кўрсатилади:

**“бн”** - банк орқали нақдсиз ҳисоб-китоб;

**“кт”** - божхона тўловлари суммасини нақд пул билан тўлаш;

**“оп”** - божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ҳуқуқи берилган;

**“рп”** - божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган;

**“оо”** - тўлов амалга оширилмаслиги керак.

**Акциз маркалари ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз товарларининг турларига боғлиқ равишда ҳарфий ва рақамли белгилар билан маркаланади ҳамда қуйидаги турларга бўлинади:**

**ИМ** – маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб келинган;

**Ўз** – маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган;

**98** – дастлабки икки белги – акциз маркаси босиб чиқарилган йил;

**01 ёки 001** – кейинги икки ёки учта белги – ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импортчиларга) тегишлича тамаки маҳсулоти ёки алкоғолли ичимлик бўйича бериладиган код рақамлари;

**4 рақам белгиси** акциз маркаларида тамаки маҳсулотини билдиради;

**5 рақам белгиси** акциз маркаларида алкоғолли маҳсулотни билдиради;

**98** билан тугайдиган охириги рақамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз товарлари майда туркумлар билан олиб келинганлигини англатади;

**99** билан тугайдиган охириги рақамлар мусодара қилинган акциз товарлари англатади.

# Ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

*Акциз солигининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:*

- акциз солиғи тўловчилар бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

*Солиқ Кодексининг 239-модасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Солиқ Кодексининг 236 ва 237-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қўйидаги муддатларда тўланади:*

- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

- келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.